

ИСТИКЛОЛ ФИДОЙИЛАРИ

УЛУФБЕК АОЛИМОВ



ИСХОҚХОН  
ИБРАТ

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
КОНЦЕРНИНИНГ БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 1994





83.3(555)

# ИСТИКЛОЛ ФИДОЙИЛАРИ

# УЛУФБЕК ДОЛИМОВ



ИСХОҚХОН ИБРАТ

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
КОНЦЕРНИНИНГ БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 1994

83.3Уз

Масъул мухаррир  
Шуҳрат Ризаев



Д 69      Долимов, Улугбек.

Исҳоқхон Ибрат.— Т.: Шарқ, 1994.  
144 б.— (Истиқлол фидойилари).

ББК 83.3Уз

© «Шарқ» нашриёт-матбаа кон-  
цернининг Баш таҳририяти  
Тошкент, 1994.

«Энди унинг исмини абадий қолдирмок учун ҳеч бўлмаса, унинг номига мактаблар солмок, талаба тарбияси учун сармоя (фонд) ташкил этмоқ, босилмаган асарларини босдирмок, таржимаи ҳолин ёздириб чоп этдирмок, муҳим асарларин тўплаб босдирмок вакти етгандир. Агар Ўзбекистонда Навоий ва Улуғбекдан бошқа учинчи бир кишига ҳайкал қўйиладирған бўлса, шубҳасиз, бу Беҳбудийнинг ҳайкали бўлғусидир. Унинг асарини босдиришда, яқин мозийдаги тарихий инкишофимизни билмок учун Беҳбудий эмас, беҳбудийларнинг хизматлари, заминлари ҳам үрунлари ила танишмоғимизнинг ҳозирдаги ҳам келгусидаги аҳамиятин эсдан чиқармаслик керак».

Бу сўзлар бундан кариб 70 йил илгари айтилган эди. Халқимиз истиқлоли қурбонлари Беҳбудий ва беҳбудийлар ҳақида куюниб айтилган бу сўзлар амалга ошли эмас, аксинча, 75 йиллик Шуролар даврида унутдирилди, тупроқка қўмилди, уларни яхши билганлар, уларнинг ишини давом эттирганлар отилди, Сибирь музликлари қаърида йўқ қилинди. Дарвоқе, юқоридаги сўзлар муаллифи раҳматли шарқшунос олим Лазиз Азиззода ҳам 25 йил Сибирь сургуни азоб-уқубатларини уз бошидан кечирди.

XX аср узбек халқи ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида буюк ўзгаришлар, истиқлол, миллий мустақиллик учун кураш асри бўлиб кириб келди. Истиқлол, мамлакат, халқ истиқболи қайғуси таълим-тарбиянинг тубмоҳиятини белгилаб берди. Ўз ижодини ўтган асрнинг сўнгги ўн йилликларида бошлаган, XX аср бошлари ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида муҳим аҳамият касб этган

истиклол фидойилари авлоди етишиб чиқди. Жадидчилик ҳаракати деб ном олган, мамлакат, халқ мустақиллиги учун курашган бу мутафаккирлар, биринчи навбатда, маорифни тубдан үзгартыриш, миллатни маориф сари, истиклол сари ундаш шиори билан чиқдилар:

Кўзинг оч, ётма, фафлатдан ўсон, миллат, ўсон, миллат,  
Топар сан бирла авлодинг, омон, миллат, омон, миллат!

Жадидчилик ҳаракатининг энг пешқадам вакили Абдулла Авлонийнинг ушбу сўзлари фақатгина шиор ёки даъват эмас эди, балки истиклол фидойиларининг ҳам амалий, ҳам ижодий фаолиятининг туб моҳиятини белгилар эди.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Мунавварқори Абдурашидхонов, Сайдрасул Сайдазизов ва Сиддикий Ажзий, Садриддин Айний ва Абдукодир Шакурий, Абдулрауф Фитрат, Ҳамза Ҳакимзода ва Сўфизода кабилар асримиз бошлари уйғониш даврининг етук намояндлари эдилар. Биз ўргана-ётган мутафаккир Исҳоқхон Ибрат фаолият кўламининг кенглиги, Ватан, халқ истиқболи учун жон фидойилиги билан номлари тилга олинганлар орасида эътиборли ўринни олишга лойик инсон эди. Маърифатпарвар Иброҳим Даврон (1874-1922) таъбири билан айтганда: «Исҳоқхон тўра улуми диния ва фанния ва адабияда устози комиллифи бутун Фарғона ва дигар жиҳат Озиёйи вустода (Ўрта Осиёда) инкор үлунмас даражада бир мавқе мумтоза тутмушдур. Исҳоқхон тўра улуми динияда мударрисдур, фунуни дунявийда, билошибча, архитектор, техник ва механик ва физикия илминда тилифонист, тилирофист ва яна химик десак яна оздур, чунки бу илмларни билур. Исҳоқхон тўра олим ва фозил бир зоти олий бўлуб, бу турфа фазоили инсонияга молик... Баъзи ихтиrotи ҳам бордур»<sup>1</sup>.

Биз куйида ана шу комусий билимларга эга аллома

<sup>1</sup> Туркистон вилоятининг газети, 1908 йил, 56-сон.

инсоннинг ҳаёт ва фаолият китобидан айрим саҳифаларни варақламоққа жазм этдик.

Шоирнинг таржимаи ҳолини тўларок ёритишда унинг «Луғати сittа ал-сина», «Жомеъул хутут», «Тарихи Фаргона», «Мезонул замон», «Санъати Ибрат, қалами Мирражаб Бандий» каби илмий, педагогик ҳамда бадиий асарларидағи маълумотлар, қариндош-уругларининг, Ибратни яқиндан билган, ҳозирда ҳаёт замондошларининг мұътабар фикрларига ва уша давр вактли матбуотида эълон килингандай Исҳоқхон Ибрат ҳакидаги маколаларга асосландик.

Шоирнинг асли исми Исҳоқхон, отасининг исми Жунайдуллахұждадир. «Ибрат» — унинг адабий тахаллуси. Бу ҳақда шоирнинг ўзи қуидагиларни ёзади:

Ибрат тахаллусимдур, аҳфоди Ҳазрати Султон,  
Шұхратда — Ҳожи тұра, матьвоси — Тұрақұрғон<sup>1</sup>

Исҳоқхон тұранинг ўзига «Ибрат» тахаллусини олиш боиси шундаки, у ижодининг дастлабки йилларидан бошлаб маърифатпарвар шоир, олим сифатида ном чиқарди ва замона илмидан, илғор маданиятдан үрнак олишга, ибрат олишга қақириди. Шунинг учун ҳам у ўзига «Ибрат» тахаллусини танлади.

Исҳоқхон 1279 ҳижрий (1862 милодий) йилида Наманган яқинидаги Тұрақұрғон (Наманган вилояти, Тұрақұрғон туманининг марказы) қишлоғида туғилди. Унинг отаси Жунайдуллахұжа Суннатуллахұжа ўғли анча билимли соҳибкор боғбонлардан бўлган. Унинг уч таноб ери булиб, у ерда дәхқончилик, боғдорчилик билан оила тебратар эди. Жунайдуллахұжа адабиётга, айниқса, шеъриятга анча ихлос қўйган ва «Ходим» тахаллуси билан шеърлар ҳам ёзган.

<sup>1</sup> Исҳоқхон Ибрат, Илми Ибрат, «Матбаан Исҳоқия», Тұрақұрғон, 1909 йил, 15-бет.

Исҳоқхоннинг онаси Ҳуриби даврининг ўқимишли, окила аёлларидан бўлиб, ўз уйида кишлоқ қизларини ўқитар эди. Ҳуриби ҳам адабиётни анча севган ва ўзи ҳам бирмунча шеър битган. Қўлимизда сакланувчи унинг турмуш йўлдоши Жунайдуллахужа улемига бағишланган марсиясидан парча келтирамиз:

Кетти бошимдин соябон, мен йиғламай ким йиғласун,  
Қолдим заифу нотовон, мен йиғламай ким йиғласун.  
Бўлди юрагим тўла қон, мен йиғламай ким йиғласун.  
Бошимга соябон бўлган жигаргўшамдин айрилдим.

Жаҳонда борми мендек гўзал боғидин айрилган,  
Кириб бозори ғам ичра эгиз тоғидин айрилган,  
Фариблик шаҳарида ҳам пири устодидин айрилган,  
Дилим вайрон, қўзим гирён, жигаргўшамдин айрилдим<sup>1</sup>.

Ҳуриби ӯзбек ва форс-тожик мумтоз шоирларининг асарларини анча мутолаа қилган аёл эди. Уларнинг уйида Лутфий, Жомий, Навоий, Бобур, Бедил, Машраб каби буюк шоирларнинг асарлари бўлган. Ушбу оиласидан мухит Исҳоқхонда адабиётга муҳаббатнинг анча эрта пайдо булишида асосий омиллардандир.

Исҳоқхонни дастлаб ҳижо усулига асосланган кишлоқ мактабига ўқишга бердилар. Бу мактабда беш йил мобайнида ҳатто саводини ҳам чиқара олмагач, ўз уйида, онасининг қулида ўқиди. Бу тўғрида кейинчалик ӯзининг «Мезонул замон» номли асарида кўйидагиларни ёзади:

«Аввалги вактдаги маҳалла мактабида 5 йилда 3 адад муаллимда ўкуб, охири саводим чиқмай, кейин қизлар мактабида, ўз уйимизда волидаи марҳумамдан ўкуб савод

<sup>1</sup> Исҳоқхон Ибрат, Марсиялар, 82-бет, Қўлёзма. Асар шахсий кутубхонамида сакланади.

чиқардим. Икки сана қиблагоҳимдан ҳусниҳат машқ этдим»<sup>1</sup>.

Хурибиби ўз мактабида фақат қуруқ ёдлаш билангина чекланмай, қизларга ёзиши, ҳусниҳатни ҳам ўргатар эди. Ўзи ҳам анча саводхон булиб, ҳусниҳатдан хабардор эди. Шунинг учун ҳам Исҳокхон онасини кўп ўринларда устози сифатида ҳурмат билан тилга олади. У ёшлик йилларида айникса ҳусниҳатга қизикди, буш вақтини бу санъат сирларини ўрганишга бағишилади. Бу ҳақда «Жомеъул хутут» номли тиљшуносликка оид асарида қўйидагиларни ёзди: «13-14 ёшимда мактаби адабда меъморлик иштиёқинда эдим. Китобим саҳифасидаги ҳусниҳат ва ҳуснинакш фикрлари ва таълимлари иштиёқи қалбимда муштағил булиб, ҳар хутутлар курсам, ваъз ва таълимларини билмагунча кўнглим сокит ўлмади»<sup>2</sup>. Адабиёт ва санъатга зур муҳаббат қўйган Исҳокон анча мукаммал саводга эга бўлгач, ўқишни давом эттириш учун уни Қуқоғига юборадилар. У XIX аср бошларида барпо этилган Муҳаммад Сиддик Тунқатор мадрасасига 1878 йилда ўқишга киради.

Фарғона водийси XIX асрнинг 80-йилларга келиб чор Россиясининг пахта базасига айлантирилган эди. Бу во-дийнинг энг катта шаҳри Қўқонда савдо-сотик ширкатлари, пахта тозалаш, совун пишириш, ёғ заводлари, Қўқонни Ўрта Осиёning бошқа йирик шаҳарлари билан боғловчи темир йўллар қурила бошлади. Қўқон дўконларида Россиядан келтирилган нисбатан арzon ва сифатли саноат моллари сотиладиган бўлди. Шаҳарда рус мактаблари, турли илмий, маданий-оқартув ва майший муассасаларнинг очилиши (бундай ишлардан фақас рус капиталистлари ҳамда маҳаллий бойларгина манфаатдор эди), русча китоблар-

<sup>1</sup> Исҳокхон Ибрат, Мезонул замон, кулёзма, 11 дафтар, 36—37-бетлар.

<sup>2</sup> Исҳокхон Ибрат, Жомеъул хутут, Матбааи Исҳокия, Наманган, 1912 йил, 4-бет.

нинг нашр қилиниши, Россиядан театр труппаларининг гастролга келиб туриши шаҳар маданий ҳәётининг бирмунча ривожланишига таъсир кўрсатди.

Булардан ташқари, Ўрта Осиёдаги бошқа шаҳарларга нисбатан адабиёт Қўқонда анча ривожланган бўлиб, бу даврда Муқимий, Фуркат, Завкий, Ҳазиний, Муҳъий каби шоирлар халқ уртасида шуҳрат қозона бошлаган эдилар. Исҳоқхоннинг Қўқон мадрасасида таҳсил кўрган йиллари (1878-1886) ўзбек адабиётида, маданий ҳәётида, маорифида туб сифат ўзгаришлар содир бўлаётган даврга тўғри келади. Унинг бу адабий-маданий ҳәётдан баҳраманд бўлганлиги шубҳасиз. Исҳоқхон Ибратни яқиндан билган, Қўқон ва Наманганда уюштирилган кўп адабий йиғилишларда, мушоира ва мунозараларда у билан бирга булган шогирди Искандар домла Абдуваҳоб ўғли (1880-1972) нинг айтишига караганда, Исҳоқхон Қўқонда укиб юрган вактидаёқ бу адабий муҳит билан ва унинг йирик намояндлари Муқимий, Фуркат, Завкий, Нодим, Ҳазинийлар билан яқин алокада бўлган, адабий мушоираларда иштирок этган. Бу ҳакда Искандар домла Абдуваҳоб ўғли қўйидагиларни ҳикоя қиласи: «1900 йиллар бўлса керак, Сулеймонхўжа Улуғхўжа ўғлининг (Нодим Намангонийнинг) дадалари вафот этди. Мен Исҳоқхон тура бирлан Наманганга дафн этиш маросимиға катнашиш учун бордик. Бундан 2-3 кун ўтгандан кейин таъзияга шоир Муқимий келди. У вактда Қўқон-Наманган йўли тўғри Исҳоқхон туранинг боғи ёнидан ўтар эди. Муқимий йўл азобидан анча чарчагани ва кеч бўлиб қолганлиги учун Исҳоқхон туранинг уйида бир кеча дам олди. Эртаси куни Муқимийга ҳамроҳ бўлиб яна Наманганга келдик. Бу маъракадан кейин Муқимий ва Исҳоқхон тура ўрталарида шеър айтишувлар бўлди. Мушоирада Муқимий Қўқон қозилари ва мингбошлиаридан қаттиқ норозилигини, Исҳоқхоннинг қозилик фаолиятидан мамнун бўлганини ифодалади, Қўқонда ҳам Исҳоқхондек қозилар бўлишини орзу килди. Мушоира охи-

рида Муқимий Исҳоқхонни Қўқонга таклиф қилди. Лекин бу мушоира кейинги вактларда йўқолган. Бир неча кундан кейин Исҳоқхон тўра Муқимийни ўзининг коляскасида кузатган»<sup>1</sup>

Исҳоқхон Ибрат мадраса берадиган илмлар билан чекланиб қолмади. У укиш мобайнида буюк Шарқ олимлари асарларини ўзи мустакил тарзда қунт билан мутолаа қилди ва бу асарлар умрининг охиригача унга энг яқин ҳамроҳ бўлди. Исҳоқхон мадрасада араб ва форс тилларини чукур ўрганиш билан бирга рус тилини мустакил ўрганди. У рус ва ўзбек тилларида чиқадиган Туркистоннинг ilk газеталари «Туркистон вилоятининг газети», «Туркестанские ведомости» билан, Туркистон ўлкасига янги тарқалаётган Исмоилбек Гаспралиниң «Таржумон» газетаси билан биринчи марта Қўқон мадрасасида ўқиб юрган кезлари танишди. Шоир хужжатларини ўрганиш шуни кўрсатадики, Исҳоқхон томонидан ташкил қилинган «Исҳоқия» кутубхонасида «Таржумон» газетасининг ҳатто 1884 йилги бойламлари ҳам бўлган.

Исҳоқхон тўра Ибрат 1886 йилда Қўқон мадрасасини тугатиб, ўз қишлоғи Тўракўргонга қайтиб келди. У мадрасани «хатми кутуб» қилган баъзи кишилар сингари масжидга имом бўлмади, ўз ижодини, фаолиятини илфор маорифчи сифатида қишлоқда маърифат тарқатиш билан бошлиди. Ўша йили ўз қишлоғида мактаб очди. Исҳоқхон мактаби «усули қадимия» — ҳижо методига асосланган эски мактаблардан анча фарқ қилас эди. Исҳоқхон Ибрат Қўқонда ўқиб юрган вактларидаёқ ўлкада очилаётган рус мактабларидаги ўкув методларнинг эски мактабларда ҳукм сурган ҳижо ҳамда қуруқ ёдлаш усулидан устунлигини сезган эди. Исҳоқхон ўз мактабига нисбатан илфор бўлган товуш (савтия) методини татбиқ қилди ва усули

<sup>1</sup> Искандар домла Абдуваҳоб ўғлининг таассуротлари ўз қўнимизда сакланади (У. Д.).

савтияни эски метод тарафдорларидан ҳимоя қилди. Лекин Исҳоқхон бу мактабида узок вақт ишлай олмади. Баъзи бир жоҳил уламолар, мутаассиб руҳонийлар унинг мактабини «кофирилар мактаби» деб эълон қилдилар, ҳалқ болаларини бу мактабдан қайтаришга ҳаракат қилдилар ва чор ҳукумати амалдорларининг ёрдамида ёптиридилар. Бу Исҳоқхоннинг қора гуруҳлар ҳамда чор амалдорлари билан биринчи тўқнашуви эди.

Исҳоқхон Ибрат ўзининг «Лугати ситта ал-сина», «Жомеъул хутут» ва «Тарихи Фаргона» асарларида ёзишича, 1887 йилда, яъни 25 ёшида онасининг илтимоси билан уни Маккага олиб боришга отланди. Бироқ онаизорга ўз ватанига яна қайтиб келиш насиб этмади. Онаси Ҳуриби Жадда шаҳрида упка шамоллаш касали билан олти ой ётиб вафот этади. Бу ҳакда Ибрат онасининг ўлимига бағишиланган тарих марсиясида қўйидагиларни ёзади.

Айтиб эрди волидам: «Бошимни тутгил ушбу дам,  
Мен кетарман, эй болам, ҳушёр бўл жоним бутам,  
Бошини тиззанга ол, тушди сенга юз минг ситам», —  
Деб туруб жон берди, тез адо ғариб бўлган онам,  
Мунисим, ғурбат аро бўлган ғарибим волидам.

«Таърихни сен килурсан менга Исҳоқхон», — деди,  
«Таърихий ашъорларга бу дилинг кўп кон», — деди,  
Сурдим ул кўнглини бирён булмасун деб жон деди,  
«Дин исқод айлагил, бўлсун: «Ҳури гилмон, деди»,  
Мунисим, меҳнат аро бўлган ғарибим волидам!.

Юқоридаги мисралардан маълум бўладики, Исҳоқхон онасининг илтимосини бажариш учун ҳажга олиб боради. Парчанинг охирги бандидаги «Дин исқод айлагил, бўлсун:

---

<sup>1</sup> Исҳоқхон Ибрат марсиялари, 118—119-саҳифа. Кўлёзма Исҳоқхон тўуранинг ўғли Ротибхон Исҳоқов кўлида сақланади.

«Хури ғилмон, деди» мисрасидан шоир<sup>1</sup> онасининг вафот этган йили чиқади. Мисрадаги «Хур ғилмон деди» сўзлари таърих моддаси бўлиб, «Дин» сўзи исқодга, яъни олиб ташлашга ишорадир. «Хури ғилмон деди» сўзларидан абжад хисобида 1373 чиқади. «Дин» сўзидан 64 чиқади, исқод килинса, 1309 ҳижрий қолади. Демак, Исҳоқхон Ибрат онасининг ўлган йили 1309 ҳижрий, 1891 милодий йилидир. Исҳоқхоннинг Шарқ мамлакатларига сафарга чиқишдан асосий мақсади, биринчидан, онасининг ҳажга олиб бориш ҳақидаги илтимосини қондириш бўлса, иккинчидан, чет эл ҳалқлари ҳаёти, маданияти билан яқиндан танишиш, бу мамлакатларни ўз кўзи билан кўриш истаги эди.

Бу ҳақда Исҳоқхон Ибрат қўйидагиларни ёзади: «...Умрум нақдини ҳавас бозорида кечирмак тақазосила улуб, синним йигирма беш кечмиш экан, ҳавои тақазои муҳтарама душуб, саёҳат этдум... <sup>1</sup>.

Исҳоқхон онасини Жадда шаҳарида дафн этиб, Шарқ мамлакатлари бўйлаб саёҳатини давом эттириди, шу билан бирга, у Истамбул, София, Афина ва Рим каби Европанинг марказий шаҳарларида бўлди. Анча вақт Афғонистоннинг Кобул, Арабистоннинг Жадда каби йирик шаҳарларида истиқомат қилди. Арабистоннинг Макка шаҳридан Қизил ва Ҳинд денизлари орқали Ҳиндистонга келди. 1892-1896 йилларда Ҳиндистоннинг энг катта порт шаҳарларидан Бомбей ва Калькуттада яшайди. Исҳоқхон Ибрат бу ерда кўп ишлатиладиган арбаиллисонни, яъни тўрт тилни: араб, форс, ҳинд-урду ва инглиз тилларини мукаммал ўрганиди. У чет элларда ҳалқ ҳаётини, уларнинг маданияти, санъатини, Шарқ мамлакатлардаги европаликлар орқали кириб келган Европа маданияти, тили ва санъати билан яқиндан танишади, ўрганади, «Луғати ситта ал-сина»,

<sup>1</sup> Исҳоқхон Ибрат, Луғати ситта ал-сина, Тошкент, Ильин типолитографияси, 1901 йил, 2-бет.

«Жомеъул хутут», «Тарихи Фарғона» каби илмий асарлари учун қимматбаҳо материаллар тўплайди. У бу даврда Шарқ ҳалқлари тиллари билан бир қаторда Фарб ҳалқлари тилларини ҳам билиш зарур деб ҳисоблади ва Арабистонда француз тилини, Хиндистонда инглиз тилини, шу билан бирга, энг қадимий финикия, яхудий, суря, юон ёзувларини ўрганди<sup>1</sup>. Исҳоқхон Ибратнинг Шарқ ва Фарб ҳалқлари тилларини анча мукаммал билганлигини эътироф этиб, замондоши Иброҳим Даврон қуидагиларни ёзади: «...Фазоили инсониядин маода, кози тўра (Исҳоқхон — У. Д.) жаноблари туркча, форсча, ҳиндча, русча лисон билиб, яна русча, франсузча, арманича ва бошқа хатлар ёзмоққа моҳирдурлар»<sup>2</sup>.

Исҳоқхон Ибрат бу мамлакатларда қурилған Европа усулидаги шаҳарлар, улардаги маданий ҳаёт ва техника янгиликлари билан танишиди, юксак техника, билимларни тушуниш учун гарб тилларини билиш зарур эканлигини яхши англади. Лекин бу маданий ҳаётдан баҳраманд бўла олмаётган, колониал зулм остида азоб чекаётган араб, ҳинд ва бошқа шарқ ҳалқлари ҳаёти уни изтиробга солди. Исҳоқхон меҳнаткаш ҳалқ билан бирга яшади, ҳалқ ҳаётини чукур ўрганди, ўз ватанида кўрган колониал зулмнинг оғир даҳшатларини чет мамлакатларда ҳам кўрди, ҳамма мамлакатларда меҳнаткаш ҳалқнинг ҳаёти бир хил оғир эканлигини тушунди. Унда мустамлакачиларга нисбатан нафрат ҳисси туғён урди. Ибрат бу мамлакатларда наккошлиқ, кишиларга муҳр ўйиб бериш, масжид-мадрасалар пештокларига, қабр тошларига нақш солиб бериш, баъзи китоблардан намуналар кўчириб бериш йўли билан тирикчилик ўтказди.

Исҳоқхон 1896 йилда Хиндистондан Бирма орқали Хитойга, сунгра Қашқарга ўтди, Қашқардан ўз ватани

<sup>1</sup> Исҳоқхон Ибрат, Жомеъул хутут, 4—5-бетлар.

<sup>2</sup> Туркистон вилоятининг газети, 1908 йил, 56-сон.

Наманганга қайтиб келди. У чет эллардан бир қанча маданият ашёлари ҳам олиб келди. Ҳиндистондан «Сантур»<sup>1</sup> номли музика асбоби олиб келди. «Сантур»га рус композитори М. И. Глинка ва бошқа рус, Европа композиторларининг мусиқа асарларидан ўн иккитаси ёзилган. Ушбу мусиқа асбоби ҳозир шоирнинг кизи Афидахон аянинг уйида сакланади.

Ибрат бу мамлакатлардан яна граммофон, турли миллат мусиқа ва қушиқлари ёзилган пластинкалар олиб келди. Бу қушиқ ва мусиқани ўз уйида ҳамқишлоқларига эшилтирган. Мутаассиблар мусиқа эшитиш харом деб эълон килиб, «Ҳар ким ғинони кўп эшилса, ул одам паст ва сафихдур» деб «Ал-ислоҳ» журналида жар солиб турганларида маърифат куйчиси Исҳоқхон Ибрат факатгина узбек мусиқа санъатини эмас, Шарқ ва Фарб мусиқа маданиятини ўз халқига тарғиб қилди, бу гўзал санъатдан ўз халқининг баҳраманд булишини орзу килди.

Шоир Ибрат мусиқа санъатидан анча хабардор булиб, ўзи танбурни жуда яхши чалар эди. У машҳур узбек ҳофизи Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов билан ғоят яқин дуст эди, улар орасида борди-келди булиб турган. Бу икки санъаткор Тошкент ва Наманганда уюштирилган адабий йиғинларда ҳам қатнашиб турганлар.

1908 йилда Тўйчи ҳофиз Исҳоқхон тўра уйига келган ва бир неча кун унинг уйида меҳмон бўлган. 1911, 1913, 1914 йилларда Исҳоқхон Ибрат ҳам Тошкентга келади ва Тўйчи ҳофиз Тошмуҳамедов уйида меҳмон бўлади. Исҳоқхон ва Тўйчи ҳофиз Тошмуҳамедовлар уртасидаги дўстлик ҳақида шоирни яқиндан билган туракурғонлик Мелибой

---

<sup>1</sup> Бу асбоб граммофондан анча илтари чиккан булиб, граммофон синѓари ручка билан таноби айлантирилади. Унинг 40 сантиметрли ўқи булиб, унда мингдан ортиқ майда ниначалари бор. Ўк айланганда ниначалар думалок дискага урилади. Натижада «Сантур»га ёзилган 12 та мусиқа асари бирин-кетин ижро этилади.

ота Мирзарахимов куйидагиларни ҳикоя қилади: «Мен 1915 йилда Тошкентда бир маъракада Тўйчи ҳофиз билан сұхбатда бўлдим. Ҳофизнинг шухрати уша вактда Наманганда ҳам машҳур эди. Улар мендан Исҳоқхон тўранинг соғлиғи, ҳол-аҳволи ҳакида сурадилар ва унга кўпдан-кўп салом айтишимни илтимос қилдилар. Наманганга қайтишмда ҳофиз менга бир нечта пластинка бердилар ва Исҳоқхон тўрага бериб қўйишимни сурадилар. Тўйчи ҳофиз билан Исҳоқхон Ибрат ўрталарида борди-келди ва хату китобат узлуксиз давом этиб турган»<sup>1</sup>.

Намангандаги кузга кўринган адабиёт ва санъат аҳллари — Мулла Йулдош Турабой ўғли Хилватий (1861-1924), Шавкий Намангоний, Муҳаммад Шариф Суғизода, Умрзок Холбой ўғли Ҳайрат (1845-1915) каби қаламкашлар ва Низомхон, Абдулла Тарок каби созанда ва хонандалар купинча Нодим Намангоний ёки Исҳоқхон тўра Ибрат уйига тўпланишар эдилар. Бундай йиғинларда Тошкентдан Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Самаркандан ҳофиз Ҳожи Абдулазиз Расул ўғли ҳамда Ҳужанддан шоир Тошхўжа эшон Асирийнинг қатнашиши ултиришга алоҳида файз бағишлиар эди. Ибратнинг «Рамуз дилбари жонон...» деб бошланувчи ғазали Тўйчи ҳофиз томонидан музикага солинган ва ҳофизнинг үзи ижро этган.


Исҳоқхон Ибрат чет элларда олим ва фозил кишилар билан, улар кайси динга ёки миллатга мансуб булишидан катъи назар, яқин алоқада бўлди. «Ҳар бир лисон сафар аҳлина юз олтун баробаринда» ишлатилганлигини тушунган маърифатпарвар чет тилларни ўрганишга катта эътибор берди: «Ҳар бир заввор<sup>2</sup> ва аҳли фазл кишини кўрсам, кайфият ва таълимот маолларини<sup>3</sup> андин сурадим»<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Бу таассуротлар 1968 йил 25 январда Мелибай ота Мирзарахимовдан ёзиб олинди — У. Д.

<sup>2</sup> Заввор — сафар кильмиш, мавмун, матижка, оқибат.

<sup>3</sup> Исҳоқхон Ибрат, «Жаҳон», Наманган, 1912 й., 5-бет.

Баъзи бир мутаассиблар Европа ва Россиядан кириб келәётган илм-фан, маданият ва техника янгиликларига, хорижий тилларни ўрганишга қарши тиш-тирноклари билан курашаётган бир пайтда ҳалкни бундай янгилик ашёлари билан ошно **килиш**, хорижий гарб тилларни ўрганишга даъват килиш катта шоир.



Маърифатпарвар шоир, ~~иубланишт илғор иборифчи~~ Исҳоқхон Ибрат ўзининг назмий ва илмий асарларида, маколаларида замондошларига Шарқ тиллари билан бир қаторда Фарб тилларини, айниқса рус тилини ўрганишни тарғиб килибгина қолмай, ўзининг амалий фаолияти билан ҳам жуда катта ёрдам берди. Исҳоқхон ибораси билан айтганда, «биринчи эҳтиёжи тушган рус калима ва ёзувлари»ни ўрганиш зарур деб билди. XX аср бошларида Чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсати маҳаллий аҳоли ўртасида рус тилига бўлган эҳтиёжни оширди. Рус тузем мактаблари, «усули савтия» мактаблари ўлканинг каттакатта шаҳарларида гина эмас, балки қишлокларда ҳам очила бошлади. Бундай мактабларда дунёвий фанлар, она тили билан бир қаторда рус тили ҳам ўқитилар эди. Замона талабларини яхши тушунган илғор фикрли кишилар ўз фарзандларини бундай мактабларга бера бошладилар. Лекин ўкувчилар, рус ва хорижий тилларни мустакил урганувчилар учун дарслик ва қўлланмалар етишмас ёки йўқ даражада эди.

Чор ҳукумати ҳамда генерал-губернаторлик маҳаллий миллат болаларининг рус тилини ўрганишига қаттиқ каршилик килдилар. Чор ҳукумати амалдорлари маҳаллий ҳалқ фарзандларини ~~иубланишт илғор иборифчи~~ илм маърифатдан фахраманд ~~иубланишт илғор иборифчи~~ Шу-

нинг учун ҳам улар янги «усули жадид» мактабларида рус тилини ўқитишни ман қилган эдилар. Аммо рус тилини ўрганишни мактаблар дастурига киритишга илғор маорифчилар ҳамиша интилиб келдилар. Бу ҳол ўтган асрнинг 90-йилларида, айникса XX аср бошларида яна кучайди. Исҳоқхон Ибрат атоқли олим, маърифатпарвар шоир сифатида бошка ҳалклар тили ва маданиятига зур хурмат, катта муҳаббат билан қаради. Чексиз ҳукуқларга эга булган Туркистон генерал-губернаторлиги маърифатпарварларнинг бу борадаги фаолиятлариға катта түсик эди.

Асримиз бошлари «Туркестанские ведомости» газетаси саҳифаларини вараклар эканмиз, Тошкентдаги китоб магазини хўжайнларидан бирининг куйидаги сўзлари диккатимизни ўзига жалб қилди: «Шу кунларда шаҳарликлар уртасида рус тилига кизиқувчилар сони ортиб бормоқда. Тошкент китоб дўкони хўжайнларидан бири шикоят киляптики, «сартлар (узбеклар — У. Д.) ҳеч тинчлик бермаяпти, русча ўрганиш учун сарт тилида ёзилган бирор дарслик борми?» деб сураб келишавериб жонга тегди. Шунун алоҳида таъкидлаш керакки, ерли утрок аҳолининг тил ўрганишга кобилияти кучли»<sup>1</sup>.

Рус тили билан бир қаторда ўнга яқин хорижий шарк ва ғарб тилларини анча мукаммал билган Исҳоқхон Ибрат бу муҳим масалада ҳам ўз ҳалқига ёрдам қўлинни чўзди. У олти тилдаги: арабча, форсча, хиндча, туркча, сартча (узбекча) ва русча сўзларни ўз ичига олган «Луғати ситта ал-сина» («Олти тилли лугат») номли мукаммал луғат китобини яратди. Исҳоқхон тўра мазкур асарни яратар экан, биринчи галда рус тилига кизиқувчиларни кўзда тутган. Бу ҳол китобнинг биринчи бетиданоқ кўзга ташланади. Муаллиф русча ёзув системасини билмайдиганларга ҳам қулай бўлсин учун рус сўзларини ҳам араб ёзуви билан беради. Маълумки, рус ва Европа сўзларини араб ёзувида

<sup>1</sup> Туркестанские ведомости, 1900 йил, 98-сон, 7 (20) декабрь.

ифодалаш анча мураккаб иш, лекин Исҳоқхон Ибрат бу мураккаб ишни муваффақиятли ҳал қилди.

Асарнинг титул варакасига куйидагилар ёзилган:

# لُغْتُ سَنَةِ الْمَسْنَى

на сартовском языке с объяснением русских, арабских, персидских, тюркских и индийских слов в мусульманской транскрипции.

Составитель: Казий Наманганского уезда кишлака Тюря-Курган

Исхакхан Тюря Ходжа Джунайдулла-Ишанов.

Дозволено цензурою. Ташкент 23 сентября 1901 года .

Типо-литография В. И. Ильина в Ташкенте.

Мазкур асарнинг биринчи навбатда рус тилини үрганивчиларга мўлжалланганлигини, уларга рус тилини үрганишда анча ёрдам берганини яна шундан хам билиш мумкини, китоб қўлёзма ҳолидаёқ қўлдан-қўлга ўтиб юрган, қўплар нашрдан чикмасданок фойдаланишга, кўчириб олишга муваффак бўлганлар. Рус тилини үрганиш истаги билан яшаган ўзбек зиёлилари, усули савтия мактаблари ўқитувчилари ва ўкувчилари бу асарнинг яратилишидан хурсанд бўлдилар, кўп нусхаларда чоп этилишини сабрсизлик билан кутдилар. Бу ҳолни биз китобнинг қўлёзмалигида танишган шахснинг куйидаги сўзларидан якколрок кўришимиз мумкин: «Ушбу авони<sup>1</sup> хайрия нишонда Наманган уездига тобеъ Туракурғон қозиси жаноб Исҳоқхон тўра ўз таъбларидан чикариб, «Ситта ал-сина» деган олти луғатлик китоб тасниф килиб, босмахонага юборибдурлар. Мазкур олти луғат арабий, форсий, туркий, сартий, хиндий ва русча китобни алҳол ибораларини дуруст ва тасхих-

<sup>1</sup> Авон -- вакт, давр.

лаб<sup>1</sup> күруб турубдурмиз. Албатта онинг босилмоғига, ижозат берилиб, нечанд нусхалар босилиб чиқса керак. Лекин аксар ибора ва лугатлари тасхих ва тағиیر<sup>2</sup> булинди. Хусусан, Русия лугатларини мусулмония ҳуруфлари илан ёзмок ҳуб кийин ва душвор учун ул русча ёзилғон иборатларни күпроқ тағиир берилди ва мазкур «Ситта алсина» деган жаноб қозининг ихтиро қилган лугат китоблари, гарчанд кичик бўлса ҳам, бизнинг Туркистон вилоятимизда сартиялардан шунча тил билиб, бул тариқа китоб ва лугат тасниф қилган одам йўқ эди. Бинобарин, ул жаноб қозининг босма учун юборган ва тасниф айлаган лугат китобларини куруб, босма қилмоққа ижозат берилса керак, деб умид айлаб газетага ёздук. Ул лугатларни кўб куриб ўқидим. Анинг учун бу сўзни мен тўқидим»<sup>3</sup>.

Олимнинг ушбу асари XIX асрнинг 90-йиллари ўрталаридаёқ, муаллифнинг чет эл сафаридан қайтиб келиши билан тутатилган бўлса-да, лекин маҳаллий муаллифлар асарларининг таъкиб остига олиниши, чор мустамлакачилари томонидан Туркистонда ўрнатилган қаттиқ назорат (цензура) туфайли асар анча кечикиб — 1901 йилда босмадан чиқарилди. Буни ўша даврда чор Россиясининг Туркистондаги матбуот нозири вазифасини бажарувчи Н. П. Остроумовнинг шахсий архивида сакланувчи хужжатлар исботлайди. Архивда Исҳоқхон Ибратнинг Н. Остроумов номига ёзилган иккита мактуби сакланади. Биринчи мактуб 1898 йилда ёзилган бўлиб, унда Ибрат Остроумовга лугатни босмадан чиқаришга ёрдам беришини илтимос килиб мурожаат қиласи ва унинг таклифига мувофиқ китобнинг икки жузъини юборади. Лекин анча вактгача асарни нашр қилиш ёки нашр қилмаслик ҳақида ҳеч кандай жавоб ололмайди. Исҳоқхон тўра Ибрат 1900 йил-

<sup>1</sup> Тасхих — тузатиш, хатоларни туғрилаш.

<sup>2</sup> Тағиир — ўзгартириш, ўзгариш.

<sup>3</sup> Туркистон вилоятининг газети, 1901 й., 4 август, 30-сон.

нинг 26 февралида иккинчи марта рус ва ўзбек тилларида хат билан мурожаат қилишга мажбур бўлади. Мазкур асарни нашр қилишда катта аҳамиятга эга бўлган ўша иккинчи мактубнинг матнини тўла келтирамиз: «1900 нчи йилда 26 февралда ҳурматлу Остроумоф ҳузурларига саволнома.

Ушбу баробаринда сиз улуғ мартабадан ўтунуб сўрайманки, 1898 нчи йилда сиздан илтимос қилиб эдим, ўз таснифларимдан олти тил узра «Ситта ал-сина» деган словарь китобни босма қилмоқ учун. Марҳамат қилиб, икки жузъ юборинг, кўрмоқ учун деган экансиз. Дарров амрларига мувофиқ юбориб эдим. Мазкурни(нг) ҳеч хабари бўлмаган жиҳатидан боз илтимос қилиб турубманки, агарда нозирлар назоратларидан ўтган бўлса, қабулга олинса, мен қолган ўн жузъини ҳам юборсам ва ёки қабул бўлмаган бўлса, ўшал нусхани марҳамат илан Наманган маҳкамасига, менинг исмимга адрес этиб юборсалар, боз бўлак маслаҳат қилсак, деб илтимос қилувчи Исҳоқхон тўрадурман»<sup>1</sup>.

Маълумки, Чор ҳукумати үлка халқларининг маданий-сиёсий ривожланишидан, халқнинг кўзи очилишидан, айниқса ерли аҳолининг ривожланган халқлар билан мулоқотда булишидан қўрқар, шу боисдан ҳам ўша давр учун тараққиёт қалити ҳисобланган рус тилини ўрганишга қаттиқ қаршилик қиласа эди. Шунинг учун ҳам Исҳоқхон Ибратнинг мазкур асари бир неча йил чоризм цензурасидан ута олмади. Бу ишда асосий ролни Чор Россиясининг Туркестондаги матбуот нозири Н. Остроумов ўйнади.

Н. Остроумов (1846-1930) Козон диний академиясини тутгатгач, устози, Россиянинг Идиль-Волга буйидаги татарларни руслаштириш сиёсатини оғишмай амалга оширган, Исмонлек Гаспралининг туркий миллатларни бирлаштириш, ўкув-тарбия соҳасидаги ислоҳотчилик фаолия-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Давлат архиви, 1009-фонд, 115-дело, 15—16-вараклар.

тига кескин қарши курашган ва бу сиёсатни ўз шогирдидан ҳам талаб қилган Н. Ильминский тавсияси билан 1877 йилда миссионер сифатида Тошкентга келган. Лекин бу вазифани ўзбеклар ўртасида муваффакиятли олиб бориш мушкул бўлгани сабабли илмий иш билан шуғулланади ва шу йул билан ўзбек зиёлиларига таъсир кўрсата бошлайди, бу ерда гимназия директори, «Туркистон вилоятининг газети»да редакторлик вазифаларини олиб боради. У чор ҳукуматининг энг ишончли кишиларидан бири ҳисоблангани учун Туркистонда матбуот ва нашриёт нозири (цензори) этиб тайинланди. Ўлкада ўз мавқенини мустаҳкамлаш мақсадида у халқ ўртасида катта обру-эътиборга эга бўлган Сатторхон Абдугаффоров, Мукимий, Фуркат, Нодим Наманганий, Рожий Марғилоний, Убайдулла Фурбат, Исҳоқхон Ибрат каби шоирлар, педагоглар, олимлар билан якиндан алокада бўлди ва уларнинг асарларига ўзи муҳаррирлик килди, ўша даврнинг бирдан-бир матбуоти намунаси ҳисобланган газетаси саҳифасидан ўрин ҳам бериб турди. Ўзбеклар кириши мумкин бўлмаган гимназияга Фуркат, Нодим, Камий, Фурбат каби маърифатпарварларнинг кириб, ундаги ўкув тизими, лабораториялари, ўқитувчилари билан танишувларига Н. Остроумов имконият яратиб берди:

Килиб таклиф бир зоти киромий,  
Кириб гимназия кўрдук тамоми,<sup>1</sup>

деб Остроумовни мамнуният билан тилга оладилар<sup>2</sup>.

Ўзбек халқининг илғор зиёлилари қисматининг фожиали кечишида бу оксюяк жанобнинг хизматлари бениҳоя катта бўлди. Ажабланарлиси шундаки, Остроумов Шуролар даврида ҳам анча масъул вазифаларда фаоллик кўр-

<sup>1</sup> Фуркат, Танланган асарлар, Тошкент, 1980 й., 79-бет.

<sup>2</sup> Фуркат, Камий, Нодим ва Фурбатларнинг гимназияга бағишлиланган шеърларини эсланг.